O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 11 ноябрь, № 221 (4120) Шанба

Эртага *Тиббиёт ходимлари куни*

ДАРДГА ДАРМОН ДИЛКАШЛАР

Ҳаёти хавф остида турган инсон кимдан нажот кутади — Шифокордан.
Танасининг бир мучаси бўлса-да, озорланаётган кимса дардига дармонни кимдан олади — Шифокордан.
Сизу бизнинг соғлиғимизни ўйлагувчи, уни асрагувчи, ҳимоя қилгувчи ким — Шифокор.

Бу кун ана шу саломатлик посбонлари — кўнгли эгнидаги халатидек оппоқ, дили ўзгаларга фақат соғлиқ соғинувчи кишилардек пок, меҳри дарё шифокорлар мамлакатимиз парламенти томонидан яқиндагина тасдиқланган айём — Тиббиёт ходимлари кунини нишонламоқдалар. Бу кун шу олижаноб касб эгаларини ҳар қанча алқасак арзийди. Зеро, уларга саломатлик посбонлари, дардга дармон бўлгувчилар деган таъриф бежиз берилмаган...

Қарши шаҳридаги 1-катталар поликлиникасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида талай ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

—Тиббий масканимиз шаҳардаги 17 та маҳалла аҳолисига малакали ёрдам кўрсатиб келмоқда,—дейди поликлиника бош шифокори Меҳмон Аҳмедов.— Уларни турли хасталиклардан асраш биз, шифокорларнинг бурчимиз...

Шаҳарнинг «Хўжа хиёл», «Мағзон», «Бўстон», «Маҳаллот» каби маҳалла аҳли мазкур поликлиника ходимлари хизматидан мамнун.

СУРАТДА: поликлиника тиббиёт ходимлари беморни навбатдаги кўрикдан ўтказишаяпти.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

ШИФОКОРЛАР БАЙРАМИ

Ўзбекистон Республикасининг Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги қонунига мувофиқ юртимизда бу йилдан эътиборан ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси шифокорларнинг касб байрами сифатида нишонланади. Айни кунларда илк бор нишонланаётган ушбу байрам муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган тадбирда соҳа ходимлари, фахрий шифокорлар, олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Уни Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров бошқарди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Тиббиёт ходимлари кунининг белгиланиши тиббиёт ходимлари ҳаётида унутилмас воқеа бўлгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурлари ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Қўплаб тиббиёт муассасалари тубдан таъмирланиб, янгилари қурилмоқда. Тиббиёт ходимларининг иш ҳақлари тобора ошмоқда. Бундай эътибор халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишда, тиббий хизмат сифати ва аҳолининг тиббий маданиятини янада юксалтиришда, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат шароити яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида, айниқса, қишлоқ жойларда тиббий хизмат сифатини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда икки минг саккиз юздан зиёд қишлоқ врачлик пункти ишлаб турибди. Уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий жиҳозлар ва тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш доимий эътиборда.

Байрам арафасида ўтган танловда Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани марказий шифохонаси туғруқ бўлими доясі Жумабека Алламбергенова "Йилнинг энг фаол ҳамшираси" деб топилди.

— Мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар бизнинг туманимизда ҳам ўз ифодасини топмоқда, — дейди Ж.Алламбергенова. — Яқинда шифохонамиз капитал реконструкция қилинди. Давлат, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда она ва бола саломатлигининг аҳамиятини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасида сўнгги уч йилда туманимизда оналар ўлими деярли қайд этилмади. Мамлакатимизда тиббиёт ходимлари кунининг белгиланиши ва байрам сифатида нишонланиши ҳамкасбларимизнинг шарафли, айни пайтда масъулиятли меҳнатига берилаётган юксак эътиборнинг амалий ифодасидир.

Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги Омонота қишлоқ врачлик пункти "Йилнинг энг фаол бирламчи тиббиёт муассасаси", деб топилди. Фарғона вилояти Бешариқ тумани болалар поликлиникаси педиатри Саодат Олимова "Йилнинг энг фаол шифокори", Жиззах вилояти руҳий касалликлар шифохонаси "Йилнинг энг фаол тиббиёт муассасаси", Республика карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази "Йилнинг энг фаол санитария-эпидемиология муассасаси" номинациялари бўйича совринларни қўлга киритди.

Тантанали маросим байрам концерти билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Иномова, Р.Қосимов иштирок этди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

СУРАТДА: «Йилнинг энг фаол ҳамшираси» Жумабека Алламбергенова.

С. ЎРМОНОВ
олган сурат.

Дунё нигоҳи

Евгений ЧАЗОВ,
Россия Фанлар академияси ва Тиббиёт фанлари академиясининг академиги:

Мамлакатингиз соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, чунончи, шошилинч тиббий ёрдам марказлари ва республика ихтисослаштирилган марказларини ташкил этишга оид ишлар улкан тарихий аҳамиятга эга. Аслини олганда, Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган ушбу хайрли ишлар миллатни соғломлаштириш ғоясининг асосини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасини 2006 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида

2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгиланган устувор йўналишларда иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинаётган чоралар, тармоқлар ҳамда иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришнинг муҳим мақсадли дастурларининг амалга оширилиши тадбиркорлик ва инвестиция муҳитига ижобий таъсир кўрсатди, таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва 2006 йилнинг 9 ойи мобайнида белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш имконини берди.

I. Макроиқтисодий йўналишлар

2006 йилнинг учинчи чорагида **макроиқтисодий параметрларнинг** жадал ривожланиши ва реал тармоқнинг барча соҳаларида ижобий ўсиш суръатлари давом эттирилди. Бу жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,3 фоизга ошишини таъминлади (биринчи ярим йилликда бу кўрсаткич 6,6 фоизни ташкил этган). Иқтисодий ривожланиш инвестициялар ҳажмининг 10, пудрат асосидаги қурилиш ишларининг 10,7, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,2, қишлоқ хўжалиги 7,1, савдо 12,2, хизматлар 16,4 фоиз ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларининг ўсиши ҳисобидан таъминланди.

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	2006 йилнинг 1-чораги	2006 йилнинг 1-ярим йиллиги	2006 йилнинг 9 ойи
Ялпи ички маҳсулот	103,6	106,6	107,3
Саноат маҳсулотлари ҳажми	106,8	109,7	110,2
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	114,2	120,6	120,9
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	104,5	107,2	107,1
Қурилиш ишлари	103,6	106,1	110,7
Чакана савдо айланмаси	107,5	111,6	112,2
Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш	111,8	113,3	116,4

Пул-кредит сиёсати жорий йил учун белгиланган устувор йўналишларга мувофиқ пул миқдорининг прогноз кўрсаткичларига қатъий риоя қилиш, банкдан ташқари пул айланишини қисқартириш, миллий валюта барқарорлигини ошириш билан бир қаторда иқтисодиётнинг реал секторига кредит ажратиш ҳажмини кенгайтириш ҳисобидан макроиқтисодий барқарорликни таъминлади.

Натижада инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ошмади ва 3,7 фоизни ташкил этди. Реал секторга кредит қўйилмалар қолдиқларининг умумий ҳажми жорий йил бошига нисбатан 15, банкларнинг умумий капитали йил бошидан буён 10,4 ва аҳолининг банклардаги депозитлари 42,4 фоизга кўпайди.

(Давоми 2-бетда).

Бизнинг суҳбат

Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров билан мулоқот

МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

— Муҳтарам вазир! Суҳбатимизни Президент Ислом Каримов томонидан тасдиқланган ва 12 сентябрь куни эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонундан бошласак. Чунки мазкур ҳужжатга мувофиқ, бундан буён ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси шифокорлар байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Бу, албатта, мамлакатимиз тиббиёт ходимларига нисбатан юксак ғамхўрлик ва эътибор самарасидир. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши соҳа ходимларини нафақат қувонтирди, шу билан бирга уларга руҳий куч-қувват бағишлади. Айни пайтда юртимизнинг қаерида, қайси шифо масканида бўлмайлик, ҳамкасбларимизнинг гапсўзида, ўзаро гурунгларида байрам кайфияти ҳукмрон. Биз Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг бундай эътиборидан беҳад мамнунмиз.

Тиббиётдаги ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири, бу тиббий хизмат сифатини ошириш учун ташкилий ва амалий шароитлар яратиш, жамиятда тиббиёт ходимларининг мавқеини кўтариш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришдан иборатдир. Бу борада республикамиз Президентининг 2005 йил 1 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори асосида тубдан янги, бажарилган ишнинг ҳажми ва сифатига боғланган тизим жорий этилди. Унга кўра, 2006 йилнинг январь ойидан бошлаб тиббиёт ходимлари иш ҳақлари 2005 йилнинг январь ойига нисбатан ўртача 1,7-1,9 баробарга, 2005 йил декабрь ойига нисбатан ўртача 1,3 баробарга, айрим мутахассисликлар бўйича эса 1,5-1,6 баробарга ошди. Бу эса шифокорларнинг ўз ишига янада масъулият билан ёндашишни кучайтирди, касбий билим ва малакаларини, шунингдек, тиббий хизматнинг сифатини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда беморларга аниқ ташхис қўйиш мақсадида замонавий ускуналар келтирилаяпти. Айтингчи, улардан қандай фойдаланилмоқда? Бу борадаги аҳволдан қониқиш ҳосил қилиш мумкинми?

— Даволаш-профилактика муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш доимо диққат марказида бўлиб келган. Хусусан, Президентимизнинг 2003 йил 26 февралдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан ташкил қилинган Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида йилига 10 мингдан ортиқ оператив ва диагностик муолажалар амалга оширилади. Шулардан 4 мингдан ортиғини юқори технологияли операция ва муолажалар ташкил қилади.

Тошкент шаҳрида жойлашган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоят филиалларини ташкил қилиш ҳамда замонавий диагностик ускуналар билан таъминлаш шошилинч ёрдам кўрсатишни тақозо этадиган касалликларни ўз вақтида аниқлашда муҳим босқич бўлди. Ушбу муассасаларда йилига 6 миллиондан ортиқ беморга тиббий ёрдам курсатилаяпти.

Тошкентдаги кўпгина клиникалар қатори Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм, Фарғона вилояти тиббий муассасалари ҳам компьютер томограф ускунаси билан таъминланган. Ушбу ускуна илгари умуман аниқлаш имкони бўлмаган касалликлар бўйича аниқ ташхис қўйиш имконини берди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техник базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ республика тиббий муассасалари охирги 4 йил давомида 500 дан ортиқ замонавий диагностик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тез ёрдам машиналари билан таъминланди. Бу эса беморларга биринчи босқичдаёқ тўғри ташхис қўйиш ва тиббий ёрдам кўрсатишда ниҳоятда қўл келмоқда.

Қишлоқ врачлик пунктларини (ҚВП) ташкил қилиш ва уларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ҳам бугунги муҳим йўналишлардан биридир. Айни вақтда республикамизда 3000 дан ортиқ ҚВП фаолият кўрсатмоқда. Илгари оддий бир касаллик учун ҳам туман марказига боришга тўғри келарди. Энди эса ҚВПлардаги фаолият унча-мунча тиббий муассасаларда олиб борилаётган хизматдан қолишмайди. Шунинг учун ҳам уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун бюджет маблағлари билан бир қаторда Жаҳон банкининг имтиёзли кредитлари ҳам жалб этилаяпти.

Яна бир маълумотни айтишим керак. Айни пайтда Ислом тараққиёт банкининг кредити ҳисобига Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоят филиалларини замонавий юқори технологияли тиббий асбоб-ускуналар (компьютер томограф, УЗИ, эндоскоп, рентген, гемодиализ аппаратлари) билан жиҳозлаш ҳамда Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг кредити ҳисобига онкология муассасаларини замонавий радиология ускуналари билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ҳам, ўз навбатида, касалликларни эрта аниқлаш имконини беради ҳамда беморларга кўрсатилаётган тиббий диагностика ва даволаш сифатини оширади.

— Дори ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фаолияти ҳамда дори воситаларининг сифати қандай мезонларга таянган ҳолда назорат қилиб борилади?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги «Маҳаллий дори-дормон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ҳукумат томонидан кўрсатилаётган алоҳида эътибордан далолат беради. Аҳоли ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи маҳсулот, хизматлар ва жараёнлар сифати борасида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳсулотларнинг си-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасини 2006 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бюджет-солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектларга солиқ юкини камайтирган ҳолда бюджетнинг даромад ва харажат қисмлари мутаносиблигини таъминлашга йўналтирилди. Иқтисодий ўсиш ва бизнесни легаллаштириш солиқ солиш базасини кенгайтирди ҳамда солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш чоралари билан бир қаторда Давлат бюджети даромадларининг (мақсадли фондлардан ташқари) прогноз кўрсаткичларга нисбатан 3,1 фоизга ошишини таъминлади. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,9 фоиз профицит билан бажарилди.

2006 йилнинг тўққиз ойида **ташқи савдо айланмаси** 7557,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди ёки 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 10,5 фоизга ошди. Экспортнинг умумий ҳажми 13 фоизга ўсди ва 4371,7 миллион долларни ташкил қилди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоиздан ортди, нохомашё экспорти 36 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг 1186,3 миллион доллар миқдоридаги ижобий сальдосига эришилди.

II. Таркибий-инвестиция сиёсати ва реал сектор тармоқларини ривожлантириш

Инвестициялар. Инвестиция фаолиятини жадаллаштириш ва устувор инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 2006 йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида республика бўйича ўзлаштирилган капитал қўйилмалар миқдори 2606,1 миллиард сўмни ёки йил прогнозига нисбатан 73,1 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқариш соҳасига барча капитал қўйилмаларнинг 64,1 фоизи йўналтирилди.

Капитал қўйилмаларни молиялаш манбалари таркибида марказлаштирилмаган инвестицияларнинг солиштирма салмоғи 73,8 фоизни ташкил этди. 2005 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 72,6 фоиз эди. Марказлаштирилмаган инвестицияларнинг асосий ўсиши корхоналар маблағлари (121,2 %) ва тижорат банклари кредитлари (175,2 %) ҳисобидан молиялаш орқали таъминланди.

Ҳисобот даврида Навоий кон-металлургия комбинатида гравитация технологиясига эга "Тигр" олтин ажратиб олувчи комплекс қурилиши якунланди, "Ўзметкомбинат" акционерлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида мис ва унинг қотишмаларидан ўрама тасмалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, Арис-Ўзбекистон темир йўл участкаси электрлаштирилди; тўқимачилик саноатида 11 та лойиҳа ниҳоясига етказилди (жумладан, Тошкент шаҳрида "Рамэл текстиль" корхонаси, "Марғилонтекс" қўшма корхонаси, Бухоро вилоятида "Асртекс" масъулияти чекланган жамияти ва бошқалар).

Ижтимоий тармоқда 50 та янги мактаб фойдаланишга топширилди, 364 та мактабда капитал реконструкция ва 527 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Тошкентда 525 ўринга мўлжалланган Москва Давлат университети филиали биносининг қурилиши якунланди. 155 та болалар спорти объекти ишга туширилди.

Автомобиль йўлларини қуриш дастурини амалга ошириш давомида январь-сентябрь ойларида 656,2 километр автойўл фойдаланишга топширилди, 676 погон метр кўприк ва йўл ўтказгич таъмирланди.

Саноат. Саноатнинг юқори ўсиш суръати сезиларли даражада қайта ишловчи ва маҳаллийлаштирилаётган ишлаб чиқаришларни ривожлантиришни рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш, аҳолининг қўшимча даромад олиши учун қулайлик яратиш, қишлоқда ўзаро ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш ва корхоналар молиявий аҳволини мустаҳкамлашга доир қабул қилинган чоралар орқали қўллаб-қувватланди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг соҳалар бўйича ўсиш динамикаси

(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

	2006 йилнинг 1-ярим йили	2006 йилнинг 9 ойи
Саноат маҳсулоти, жами	**109,7**	**110,2**
шу жумладан:		
электр энергетика	107,6	106,3
ёқилғи	100,1	102,8
қора металлургия	106,8	107,4
рангли металлургия	100,8	98,4
кимё ва нефть-кимё	116,9	119,8
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	119,8	124,6
ёғоч, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз	118,0	121,7
қурилиш материаллари саноати	111,8	111,8
енгил	111,4	109,6
озиқ-овқат	129,2	129,8
бошқа соҳалар	121,3	121,7

Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, кимё, нефть-кимё маҳсулотлари, қурилиш материаллари, енгил, озиқ-овқат, ун-ёрма, шиша, чинни, тиббий, матбаа ва бошқа саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жадал ривожланди.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни ошириш ҳисобидан суюлтирилган газ (107,5), электр энергияси (103,9), кўмир (105,7), пўлат (102,1), цемент (107,6), автомобиль (132,7 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди.

Истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган чоралар 2006 йилнинг январь-сентябрь ойларида истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20,9 фоизга ошириш имконини берди. Музлатгич ва совутгичлар (7,1), телевизорлар (2), спиртсиз ичимликлар (2,1 баробар), мева шарбатлари (114,3), шакар (123,2), макарон маҳсулотлари (122,1), ўсимлик ёғи (112,8), гилам ва гилам буюмлари (122,4), чинни-фаянс идишлар (136,2 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ортди.

2006 йилнинг январь-сентябрида **Маҳаллийлаштириш дастури доирасида** 1 135,8 миллиард сўмлик ёки прогнозга нисбатан 111,3 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2005 йилнинг шу даврига нисбатан маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш 1,6 марта кўпайди. Импорт ўрнини босишнинг ҳисоб-китоб самарадорлиги 912 миллион долларни ташкил этди.

Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва истиқболи йўқларини тугатиш бўйича чоралар. Қайта ташкил этиш ва молиявий соғломлаштириш тадбирлари билан қамраб олинган 632 та корхона мониторинги давомида уларнинг 247 тасига нисбатан қайта ташкил этиш ҳамда молиявий соғломлаштириш режалари ишлаб чиқилди, тўқимачилик саноатига қарашли истиқболи йўқ 217 та корхона бўйича банкротлик жараёни ўтказилди.

Кўрилган чоралар натижасида 486 та корхонада (умумий корхоналар сонининг 76,9 фоизи) ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият кўрсаткичлари яхшиланди, 345 та корхона (ёки уларнинг умумий сонининг 54,6 фоизи) бир ойда ўртача ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирди ва маҳсулот сотиш миқдорини 20 фоиздан оширди, 110 та корхона (188 тадан) иқтисодий ночор аҳволдан чиқди, 62 та (92 тадан) корхона зарар кўриб ишлашга чек қўйди, қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг банд бўлмаган қувватлари асосида 97 та янги корхона ташкил этилди, 7274 та иш ўрни яратилди ва қайта тикланди.

Савдо ва хизматлар. Саноат ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръати, биринчи навбатда, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш **чакана савдони** 12,2 фоизга кўпайтириш имконини берди.

Улгуржи савдо билан шуғулланувчи корхоналар тармоғи кенгайтирилди. «Ўзулгуржисавдоинвест» улгуржи савдо корхоналари уюшмаси томонидан республика ихтисослашган улгуржи савдо базалари ташкил этилди. Ҳудудларда товарларни сотиш бўйича 29 та вилоят, туман ва туманлараро улгуржи базалари очилди.

Хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш натижасида 2006 йилнинг 9 ойида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16,4 фоиз ошди ва 1455,8 миллиард сўмни ташкил этди. Транспорт, алоқа ва ахборотлаштириш, коммунал-маиший хўжалик соҳасида хизматлар кўрсатиш даражаси ўсишининг юқори суръати кузатилди.

III. Хусусийлаштириш дастурининг амалга оширилиши, иқтисодиёт хусусий секторининг ривожланиши

Ўтган даврда **давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига** мувофиқ 281 та объект хусусий мулк сифатида сотилди. Биржа, кимошди ва танлов савдоларида 239 та объект сотилди. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳисобидан тушган умумий маблағ 45,9 миллиард сўмни ташкил этди.

Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг умумий айланмаси 2006 йилнинг 9 ойи якунларига кўра 277,2 миллиард сўмни ташкил этди ва 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 марта ўсди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектлари сони ҳисобот даврида йил бошидагига нисбатан 22,7 фоизга кўпайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар миқдори 384,2 миллиард сўмни ташкил қилди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 51,1 фоизга ошди.

Кичик бизнес соҳасида, жумладан, микрофирмалар, якка тартибдаги тадбиркорлик ва фермер хўжаликларида 264 мингта янги иш ўрни яратилди.

Натижада кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,7 фоиз пунктига ўсди ва 39 фоизни ташкил этди.

IV. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг қўллаб-қувватланиши ва ривожланиши

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсиши ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 107,1 фоизни ташкил этди. Ўтган йилга қараганда пахта (101,8), ғалла (100,5), картошка (109,4), сабзавот (114,7), мева (123,1), полиз маҳсулотлари (119,8), узум (130), сут (106,9), гўшт (107,2), тухум (116 фоиз) кўп етиштирилди.

Тугатилган 666 та ширкат хўжалиги негизида 74 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилди. 2006 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари умумий сони 185,5 мингни ташкил этди.

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида ҳукумат қарорига биноан 219 та ихтисослашган мева-сабзавотчилик ҳамда узумчилик қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкати) негизида 39 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилди. Уларга 319,2 минг гектар ер ажратилди. Мева-сабзавот ва узум етиштириш ҳамда уларни тўлиқ қайта ишлаш, транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда маҳсулотларни қадоқлашга ихтисослашган 199 та агрофирма ташкил қилинди.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантириш натижасида уларда қорамоллар сони 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 5 фоиз ўсди ва 6824,2 минг бошни ташкил этди.

166 та кимошди савдо пунктини ташкил этиш орқали аҳолининг қорамол сотиб олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Ушбу пунктларда 15388 бош наслдор мол сотилди. 362 та зооветеринария пункти, 122 та сунъий қочириш пункти ташкил этилди. Чорва маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи деҳқон ва фермер хўжаликларини омухта ем билан таъминлаш учун 72,9 минг тонна ем сотилди.

2006 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун умумий қиймати 27,6 миллиард сўмга тенг (йиллик режага нисбатан 112,2 фоиз) микрокредитлар ажратилди. Ҳисобот даврида 38,2 минг оилага

қорамол сотиб олиш учун микрокредитлар ажратилди. Шу йилнинг биринчи ярим йилида бундай оилалар сони 16 мингтани ташкил этган эди.

V. Ижтимоий соҳанинг ривожланиши

Аҳоли бандлиги. Ҳисобот даврида ҳудудий бандлик дастурларига мувофиқ 437,7 минг иш ўрни ташкил этилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 6,4 фоизга кўпдир. Касаначиликнинг турли шаклларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 114,6 минг иш ўрни ташкил этилди. Шунинг 40,6 мингтаси йирик корхоналар билан меҳнат шартномалари асосида яратилди. Ҳисобот даврида Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан 10 мингта кам таъминланган оилага 6,2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Бу 21 минг нафар меҳнатга лаёқатли шахсга ўз даромадини кўпайтириш ва иш билан таъминланиш имконини берди.

Аҳоли даромадлари. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойида аҳоли жон бошига ихтиёрдаги реал пул даромадлари ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 20,1 фоизга ошди.

Педагогика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш натижасида 21 минг нафар бошланғич синф ўқитувчисининг тариф ставкаси 1,3 баробар, 435 минг нафар юқори синф ўқитувчисининг тариф ставкаси эса 1,2 баробар кўпайди.

Аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтиришга доир ишлар давом эттирилди. 2 ёшгача фарзандини парвариш қилаётган ва ҳеч қаерда ишламайдиган 292,2 минг нафар аёл, 18 ёшгача фарзанди бўлган 1123,5 мингта оила нафақа олмоқда, 179,4 минг кам таъминланган оилага моддий ёрдам берилмоқда. Эҳтиёжманд оилаларга бериладиган нафақалар ва моддий ёрдам миқдори ўртача 15 фоизга кўпайди.

Жорий йилнинг 1 июлидан 1 ноябригача бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи 1,44 мартага оширилди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида 28,9 минг кам таъминланган оилага қорамол бепул берилди, кекса ёшдаги ҳеч кими йўқ 1,4 минг нафар кишининг уйи ҳомийлик ёрдами ҳисобидан таъмирланди (127,3 миллион сўм), 23 минг нафар ёлғиз кишига уйига бориб ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда, кам таъминланган ва ёлғиз кексаларга қарийб 3,4 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Соғлиқни сақлаш тизимида дастурларни амалга ошириш давомида 176 та қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди, ночор ва самарасиз ишлаётган шаҳар ҳамда қишлоқ участка шифохоналарини қисқартириш ҳисобидан даволаш-профилактика муассасалари тармоғини қайта тузиш амалга оширилмоқда, амбулатория-поликлиника муассасалари сони 107 тага кўпайди, қишлоқ врачлик амбулаториялари сони деярли 2 бараварга камайди.

Ўтган даврда эришилган ижобий ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан пухта ишлаб чиқилган бозор ислоҳотлари моделининг самараси ҳисобланади ва бу 2006 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, аҳоли бандлиги ҳамда даромадларини янада ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

фати ва рақобатбардошлигини ошириш ва бошқалар стандартлаштиришнинг асосий мақсади ҳисобланиб, республикамизда стандартизация ишлари жаҳон талаблари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги ҳамда "Метрология тўғрисида"ги қонунлари асосида олиб борилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи 92 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг фармацевтика фаолияти "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ амалга оширилади. Республикада дори воситалари сифати ва ишлаб чиқарувчи корхоналардаги технологияси масалаларини мувофиқлаштирувчи 12 та бошқарув ҳужжатлари амалда бўлиб, уларнинг асосийси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига мувофиқ ишлаб чиқилган. "Яхши ишлаб чиқариш амалиёти (GMP)" TSt 19-01:2003 тармоқ стандартидир.

Республикамизда дори воситаларининг сифатини назорат қилишнинг мукаммал тизими яратилган бўлиб, у тегишли қонунлар асосида амалга оширилади. Бугунги кунда дори воситалари сифат назорати тизимига кирувчи ташкилотларда ҳар қандай тиббий препаратларни клиник синовлардагача ва клиник синовлар жараёнларида меъёрий ҳужжатларни тасдиқлашда ва тиббиёт амалиётида ишлатишга рухсат беришда уларнинг сифатини тавсифлай оладиган стандартлар, меъёрий ҳужжатлар, материаллар мавжуд. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги "Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори билан мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулотлар турлари рўйхати қайта кўриб чиқилди ва дори воситалари "фармацевтика маҳсулотлари" номи билан кенгайтирилди.

Республикамизда ишлаб чиқариладиган ва ҳудудимизга божхона масканлари орқали олиб кириладиган дори воситалари ва тиббий маҳсулотлар сертификатлаштириш идоралари томонидан тўлиқ расмийлаштирилганидан сўнг республика ҳудудига олиб кирилишига ҳамда очиқ савдога чиқаришга рухсат берилади.

— Айни пайтда мамлакатимизда хусусий шифо муассасаларининг сони ҳам ошиб бормоқда...

— Дарҳақиқат, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қатор ҳукумат қарорлари қабул қилиниши муносабати билан республикамизда хусусий тиббиёт тизими шаклланди. Ҳозирги кунда мавжуд хусусий клиникалар, марказларда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Агар 1999 йилда якка тартибда фаолият кўрсатувчи шифокорлар ва нодавлат корхоналари 700 тани ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 4000 тага етди.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, баъзан айрим фуқароларнинг тиббий фаолият билан шуғулланишда лицензияси бўлмаган масканларга мурожаат қилишлари, кўча-кўйдан харид қилинган дориларни истеъмол қилишлари оқибатида уларнинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкинлиги ташвишланарли ҳолдир. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида бу борада оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам чиқишлар қилиш йўлга қўйилди.

— Тиббиётдаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, юртимизда соҳаларга ихтисослашган бир қатор ўқув даргоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Битирувчиларни иш билан таъминлаш ва чекка жойларга ишга юбориш борасида вазирлик қандай чора-тадбирларни амалга ошираяпти?

— Ҳар йили вазирликда ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари билан биргаликда мутахассисларга бўлган эҳтиёж ўрганиб чиқилади ва шу асосда битирувчилар иш билан таъминланади. Жорий йилдан бошлаб давлат грантлари асосида таҳсил олган битирувчилар 3 йил ишлаб бериш шарти билан яшаш манзиллари бўйича ишга тақсимланди. Бу борада тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида барча таълим муассасаларида тақсимот комиссиялари тузилган, маркетинг бўлимларининг тузилмаси ва вазифалари ўзгартирилган. Битирувчилардан самарали фойдаланиш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари билан биргаликда мутахассисларга бўлган эҳтиёж ўрганилиб чиқилди ва буюртмалар портфели шакллантирилди. Маълумотлар барча таълим муассасаларига юборилди. У ерда ўз навбатида, институт-талаба-иш берувчи ўртасида уч тарафлама шартномалар тузилди ва шу асосда иш берувчилар билан биргаликда тақсимот комиссияси ўтказилди. Жорий йилда тиббиёт олий таълим муассасаларида грант асосида таҳсил олган 1341 нафар битирувчи ишга тақсимланди. Шу жумладан магистратурани битирганлар орқали ҳам вилоятларда кадрларга бўлган эҳтиёжни қисман қондириш мумкин. Масалан, Тошкент вилоятининг қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникаларига 23 умумий амалиёт шифокори, 5 умумий стоматолог, 15 нафар педиатр, 9 нафар олий маълумотли ҳамшира ишга юборилди. Бундан ташқари, магистратурани битирган биттадан тор мутахассислар: уролог, травматолог, педиатр ва терапевт вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан керакли жойларга юборилди. Бундан ташқари, чекка ҳудудларни мутахассислар билан таъминлаш борасида мақсадли клиник ординатура орқали вилоятлар учун кадрлар тайёрлаб келинмоқда.

— Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан қилинган ишлар ҳақида ҳам қисқача тўхталсангиз.

— "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури тўғрисидаги қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида ўтган даврда муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, ёлғиз пенсионерлар ҳамда кам таъминланган оилалар орасида кўз касалликлари буйича 1, 2-гуруҳ ногиронларини реабилитация қилиш, меҳнатга лаёқатлилигини ошириш мақсадида 600 нафардан зиёд беморларга сунъий гавҳар қўйиш йўли билан жарроҳлик амалиёти ўтказилди. 8 нафар бемор бола Германия клиникаларида даволаниб қайтди. Жанубий Кореянинг Сеул университети шифокорлар бригадаси томонидан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида хайрия йўли билан 37 нафар ногирон болада пластик реконструктив операциялар ўтказилди.

Семашко номидаги Республика Саломатликни тиклаш ва физиотерапия ИТИ клиникаси ҳамда унинг шахобчаларида 1 мингдан ортиқ пенсионерлар, II Жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари, ёлғиз пенсионерлар соғломлаштирилди.

Республиканинг чекка ва экологик жиҳатдан ноқулай туманларида истиқомат қилувчи аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш мақсадида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ва "Экосан" жамғармаси билан ҳамкорликда "Экосан" саломатлик поезди ташкил қилиниб, малакали доцент ва профессорлардан иборат гуруҳлар Хоразм вилоятига хизмат сафарига юборилди. Шу билан бирга барча вилоятлар аҳолисига ихтисослашган малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида етакчи даволаш-профилактика муассасаларидан мутахассислар жалб қилиниб, улар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга сафарбар қилинди. Мутахассислар томонидан 5 ярим минг нафар киши тиббий кўрикдан ўтказилди ва улардан 350 нафарига турли хилдаги жарроҳлик амалиёти қўлланилди.

Тиббиёт ҳодимларининг ҳалол, малакали меҳнатини рағбатлантириш учун ҳар бир тиббиёт муассасасида тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Ва 62 мингдан ортиқ ходимларга моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан қўшимча иш ҳақлари ҳамда мукофот пуллари тўланди.

Карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси марказининг лабораториялари дунё стандартларига мос равишда тўлиқ қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Лабораториялар замонавий диагностик асбоб ускуналар билан таъминланди. Бунинг учун 1 млн. 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ сарфланди.

Аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун шифокорнинг билим даражаси юқори бўлиши шарт. Шу мақсадда туман марказий шифохоналари қошида ўқув марказлари ташкил қилинаяпти. Уларда умумий амалиёт шифокорлари малака оширишлари учун шарт-шароитлар яратилган.

Дастурнинг яна бир муҳим йўналиши – бу даволаш-профилактика муассасаларини мукаммал ва жорий таъмирлаш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдир. Бу борада ҳомийлар ёрдамида Тошкент шаҳрида 2 та замонавий оилавий поликлиника, Жиззах вилоятида диагностика маркази ишга туширилган ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Қишлоқ жойларида соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Барча вилоятларда ҳомийлар ёрдамида қишлоқ врачлик пунктлари ташкил қилинаяпти, туман марказий шифохоналарида, туғруқ комплексларида жадал равишда мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари бажарилаётир.

Дастур бўйича республикамизнинг туғруқ комплексларини, гематология марказларини, қон қуйиш станцияларини, Республика шошилинч тез ёрдам илмий марказининг 12 та вилоят филиалларини ҳамда Республика онкология марказини замонавий юқори технологик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш кўзда тутилган ва ҳозирги кунда тайёргарлик ишлари олиб борилаяпти.

Кўриниб турибдики, тиббиёт соҳасида қилинаётган ишлар кўлами ниҳоятда катта. Бундай юксалишлар ҳукуматимизнинг юксак эътибори туфайлидир, албатта. Нишонланадиган байрам баҳона, мен шуни истардимки, азиз шифокорларимизнинг ўзлари ҳам ҳамиша омон бўлсинлар. Куч-ғайрат ва шижоат уларни асло тарк этмасин.

"Халқ сўзи" мухбирлари Фурқат САНАЕВ, Мақсуд ЖОНИХОНОВ суҳбатлашишди.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Буюк Британияга нисбатан хуруж хавфи кучайиб бормоқда. Бу ҳақда мамлакат разведка хизмати раҳбари Элайза Меннингэм-Булер баёнот берди. Унинг билдиришича, «Ал-Қоида» бирлашган Қиролликнинг ҳудудида оммавий қўпорувчиликларни амалга оширишга жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Баёнотда келтирилишича, мамлакат ичкарисида айни пайтда ўзига бир ярим мингдан ортиқ одамни бирлаштирган 200 га яқин турли гуруҳлар фаол ҳаракат қилмоқда.

АҚШ Президенти Жорж Буш кейинги ҳафтада Россия Президенти Владимир Путин билан икки маротаба учрашади. Унда Россиянинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши билан боғлиқ масала муҳокама қилиниши кутилмоқда. Бу ҳақда Оқ уйда бўлиб ўтган брифингда Жорж Бушнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Стивен Хэдли маълум қилди.

Москвада автомобилга ўрнатилган портловчи модда зарарсизлантирилди. Бу ҳақда РИА «Новости» хабар тарқатди. Машина мамлакат пойтахтининг жануби-ғарбидаги ресторанлардан бирининг олдига қўйиб кетилган. Айни пайтда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари машина эгаси кимлигини аниқламоқда.



БМТ янги ҳисобот билан чиқди. Унга кўра, жаҳонда ичимлик суви таъминотига ажратиладиган маблағ миқдорини қўшимча 4 миллиард АҚШ долларига ошириш керак. Айни пайтда дунё аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга етарли даражада эътибор қаратилмаяпти. Мазкур муаммо туфайли ўлим ҳоллари ОИТСга нисбатан беш баравар кўп рўй бермоқда. Ҳозирда жаҳонда 2 миллиард 400 миллион инсон санитария талабларига жавоб бермайдиган шароитда яшамоқда.

АҚШ Конгрессининг иккала палатасида ҳам демократлар кўп ўринни эгаллади. Мамлакат штатларидаги оралиқ сайловларда демократлардан кўрсатилган номзодлар кўп овоз тўплаб, Сенатни бошқариш учун керак бўладиган охирги ўринни ҳам қўлга киритди. Эндиликда республикачи бўлган мамлакатнинг амалдаги президенти Жорж Буш икки йил мобайнида ўз рақибларидан ташкил топган Конгресс билан иш юритишига тўғри келади.

Ирокда Саддам Хусайн режими ағдарилганидан сўнг 150 минг нафар тинч аҳоли ҳалок бўлди. Бу ҳақда мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Али Шемарий Венада маълум қилди. У Австрия пойтахтига Ирокқа ёрдам бериш масаласини муҳокама қилиш учун ташриф буюрганди. Манбада айтилишича, ҳозирда мамлакатда авж олган коррупция туфайли Ироқ йилига 4 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрмоқда.

Қирғизистон Президенти Курманбек Бакиев мамлакатнинг янги тахрирдаги конституциясини тасдиқлади. Унинг сўзларига қараганда, мамлакатдаги турли сиёсий кучлар билан келишилган ҳолда янги конституция лойиҳаси тайёрланган. Мамлакатнинг янги тахрирдаги асосий қонунига кўра, президент ваколатлари қисқартирилиб, парламент ҳокимияти кучайтирилади.

Аргентина прокуратураси Эроннинг собиқ президенти Ҳошимий Рафсанжонийни қамоққа олишга буйруқ берди. Рафсанжоний ва яна саккиз нафар эронлик 1994 йилда Буэнос-Айресда яҳудийлар маданият марказида теракт амалга оширганликда гумон қилинмоқда. Эрон ташқи ишлар вазирлиги мазкур террорчилик хуружига Рафсанжоний ҳам, мамлакат ҳукуматининг бирор аъзоси ҳам алоқадор эмаслигини расман билдирди.

Исроил Гилад Шалитни минглаб фаластинликларга алмаштиришга рози. Бу ҳақда музокараларда воситачилик қилаётган Миср ҳукумати вакили маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, Галид Шалит эвазига қанча асирлар озод қилиниши ҳақида ҳозирча томонлар бир тўхтамга келганлари йўқ. Исроил ҳозирданоқ 120 нафар фаластинликнинг ўз уйларига қайтишини таъминлашга рози. Қолганлари эса Исроил Бош вазири Эхуд Ольмерт ва Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос билан ўтказиладиган учрашувдан сўнг қўйиб юборилади.

Хитойлик аёл Маргарет Чан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бош директори бўлди. Чан ташкилотнинг махсус ассамблеясида кўп овоз тўплаб мазкур лавозимни эгаллайдиган бўлди. Асли гонконглик бўлган 60 ёшли Чан 2003 йилдан буён ЖССТда ишлаб келмоқда. Ҳозирда бу ташкилотга 193 та давлат аъзо бўлиб кирган.

Жаҳонда йилига экспорт ҳажми 10 триллион долларга ошмоқда. Бу кўрсаткич 2004 йилга қараганда 13 фоизга кўпдир. Бунда ёнилғи, хусусан, нефть экспорти 41 фоизга, яъни 1,4 миллиард долларга етган. Бу ҳақдаги статистик маълумотлар Жаҳон савдо ташкилотининг йиллик ҳисоботида эълон қилинди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ХАРИДОРЛАР, ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР, МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

2006 йил 13-15 ноябрь кунлари Тошкент шаҳридаги

«Озиқ-овқат моллари» республика ихтисослаштирилган улгуржи база-идорасида «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати», «Ўзгўштсутсаноат» уюшмалари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси ва турли мулк шаклидаги тадбиркорлар корхоналарида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларини 2007 йилда сотиш бўйича

РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси ушбу ярмаркага мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо корхоналари, ташкилотлари, фирмалар, хусусий тадбиркорлар ва харидорларни таклиф этади.

Ярмарка савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй, «Озиқ-овқат моллари» республика ихтисослаштирилган улгуржи база-идораси биноси.

Маълумот учун «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси телефонлари: 139-49-00, 139-48-26, 139-46-03.

Енгил саноат маҳсулотларини улгуржи сотиб олишни хоҳловчи ташкилотлар, муассасалар ва хусусий тадбиркорлар диққатига!

2006 йил 14-16 ноябрь кунлари «Ўзбекенгилсаноат» ходимлари саройида (Манзил: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 45-уй) 2007 йилда ишлаб чиқариладиган енгил саноат маҳсулотларининг улгуржи савдо кўргазмаси ўтказилади.

САВДО КЎРГАЗМАСИГА ип, ипак, жун газламалари ва чарм-пойабзал, атторлик маҳсулотлари, шунингдек, тайёр кийим, гилам ва чинни буюмлари сотувга қўйилади.



Улгуржи савдо кўргазманинг иш тартиби — соат 9.00 дан 18.00 гача.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йилнинг 13 декабрь ва 2007 йилнинг 3 январь кунлари соат 11.00 да Республика кўчмас мулк биржаси Жиззах вилояти филиали биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги ишлаб чиқариш мулки қўйилади:

Жиззах шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган «Жиззах ЛРС Пласт» қўшма корхонасига қарашли, Жиззах шаҳар, Тошкент кўчаси, 1-уйда жойлашган, техник ҳолати соз бўлган, пластмасса қувурлар ишлаб чиқарувчи, бир шнекли «КМЕ-1-90-30 В» русумли экструдер тармоғи (линия). *Бошланғич баҳоси — 471 300 348 сўм.*

Шунингдек, 2006 йил 14, 19, 21, 26, 28 декабрь кунлари соат 11.00 да Республика кўчмас мулк биржаси марказий идораси биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартиби бўйича Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика қўрғонида жойлашган «Медиз» ёпиқ акционерлик жамияти қўшма корхонасининг мулкий мажмуаси очиқ аукцион савдосига қўйилмоқда. *Бошланғич баҳоси — 14 621 766 712 сўм.*

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини РКМБ Жиззах вилояти филиалининг қуйидаги: х/р 20210000000571452050, «Ipoteka» banki Sangzor filiali, код 00834 ҳисоб рақамига;

Республика кўчмас мулк биржаси марказий идорасининг қуйидаги: х/р 20210000500571452057, МФО 00425, АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиали, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Қўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилларга мурожаат этиш мумкин:

- ***РКМБ Жиззах вилояти филиали манзили: Жиззах ш., Ш.Рашидов к., 39-уй. Телефонлар: (8-372) 222-35-77, 222-34-16, 222-36-19.***
- ***Республика кўчмас мулк биржаси марказий идораси манзили: Тошкент ш., Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўразбоев к., 1-«А» уй, Республика кўчмас мулк биржаси биноси, 3-қават, 305-хона. Телефон: 399-84-48. Факс: 399-79-52. Интернет сайтимиз: www.rkmb.uz***

Лицензия: DB 001 № 000004

«ҲИМОЯ» ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА НИЗОЛАРИ

ТУРЛИ МУРАККАБЛИКДАГИ ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

ТЎЛОВ НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА

Тошкент: (371) 133-11-13, 175-63-72, 301-33-15
Самарқанд: (3662) 33-30-99
Бухоро: (365) 223-63-72, 223-68-85
Навоий: (436) 730-99-80
Қарши: (371) 175-63-72

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9:00 дан 18.00 гача

136-09-25
132-10-63
242-хона

E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ЎЗБЕКИСТОН ВРАЧЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

мамлакатимизнинг барча шифокорларини илк бор юртимизда тантанали ва расмий нишонланаётган касб байрами —

Тиббиёт ходимлари куни

билан самимий муборакбод этади ва уларга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ҳамда инсон саломатлигини муҳофаза қилишдек машаққатли ва шарафли ишларида улкан омад тилайди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида таълим олаётган талабаларнинг ота-оналари диққатига!

Ҳар чоракда ўтказилиб келинаётган анъанавий «Ота-оналар куни»нинг навбатдаги учрашуви жорий йилнинг 25 ноябрь куни эрталаб соат 10.00 да институтнинг фаоллар залида бошланади.

Профессор-ўқитувчилар билан ота-оналарнинг ўзаро мулоқоти фарзандларнинг бахтли келажаги учун замин бўлиши шубҳасиз.

Фарзандларингизнинг келажагига бефарқ бўлмайсиз деган умиддамиз.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Биз юртимизда номи чиққан олимлар, ёзувчилар, санъаткорларнинг ижодлари, асарларидан анча-мунча хабардормиз, аммо уларнинг насл-насаби, ўсган муҳити, ўзларига хос феъл-атворлари тўғрисида деярли тасаввурга эга эмасмиз. Аслида уларнинг шахсиятида баъзан қизиқ, ҳатто кишини ҳайратга соладиган ҳолатларни учратиш мумкин. Бу ерда мен ўзим билган бириккита муҳтарам зотнинг ҳаётларидан мисол келтирмоқчиман.

САМАНТОҒДАН БОШЛАНГАН ПАРВОЗ

Севимли ёзувчимиз Мирзакалон Исмоилий урушдан кейин туҳмат билан қамаладди. Ўша машҳур "Фарғона тонг отгунча" романини ҳам қамоқхонада ёза бошлайди. Турмада жорий этилган тартибга кўра, ҳар бир маҳбусга икки-уч варақкина қоғоз берилар экан. Мирзакалон оқ қоғозни тежаш ниятида варақларнинг икки тарафини майда араб ёзувида тўлдириб чиқар, сўнг битганларини ҳибсхона назоратчисига топширар экан.

Йиллар ўтиб, Мирза ака озод бўладиган кун ҳам келибди. У кишининг қўлида рухсатнома, бемалол турма билан хўшлашиб чиқиб кетиши мумкин. Лекин... Мирзакалон ака қамоқхонани тезроқ тарк этиш ўрнига турма бошлиғидан илтимос қилибди:

— Агар имкони бўлса, яна беш-ўн кун шу ерда ётиб-туришга ижозат берсангиз. Романнинг чаласи бор эди. Уйга чиқсам, келди-кетди билан бўлиб, асаримни битиролмай қоламанми, деган хавотирдаман.

Қаранг, илҳом онлари учун улуғ адибимиз ўзининг эркини ҳам қурбон қилмоқчи!

Ёки мана бу ғаройиб воқеага қулоқ осинг. Жонрид Абдуллахонов деган ёзувчимизни адабиёт мухлислари яхши билишади. Жонрид ака беш-олтита роман ёзган, ўнлаб қисса ва ҳикоялар муаллифи. Биз у киши билан бир замонлар республика радиосида бирга ишлаганмиз. Меҳнаткаш, кўнгли очиқ, фидойи бу инсон, асли наманганлик бўладилар. Ана шу ёзувчи оғам Наманганган Тошкентгача пиёда йўл босиб келган! Ўн тўрт-ўн беш ёшларидан радиодан таниқли шоирларнинг шеърларини эшитиб қолиб, кўнглига армон тушибди. "Мен ҳам Тошкентда ўқийман, Худо хоҳласа, бир куни мен ҳам ёзувчи бўламан", деган хаёл билан ҳайё-ҳуйт деб йўлга отланибдилар. Адашиб кетмаслик учун темир йўлнинг ўртасига тушиб олиб кетаверибди, кетаверибди... Неча ой йўл юриб, озиб-тўзиб Тошкентга кириб келибди. Эҳтимол нега у киши поездга чиқмаган, деб сўрарсиз? Негаки, уруш йиллари поездлар асосан қурол-яроғу юк ташир экан-да.

Тошкентда Жонрид ака тўғри Туроб акага йўликибди. Туроб Тўла радиода диктор бўлиб ишлар экан, Жонрид акани маънавий фарзандидек қабул қилиб, радиокомитетнинг бир бурчагидан ҳужра ҳам топиб берибди...

Жонрид ака аввал Тошкентда, сўнгра Москвада таҳсил олди. У киши ҳозир саксон ёшни қоралаяпти. Лекин қаламни қўлдан қўймай, ҳамон ижод қилаяпти.

— Оёқларим қабариб, Тошкентга келганим бежиз кетмади, — деб эслайди у кунларни Жонрид ака.

Икки улкан ёзувчимизнинг ҳаётларидан қизиқ лавҳалар келтиришимиздан муддао — нега Жиззахга борганимизни айтиб олиш эди.

Қаҳҳор Ҳожиматов деган қадрдоним бор. У кишининг номини республикамизда кўпчилик билишига шубҳа қилмайман. Шундоқ бўлса ҳам, яна бир карра эслатиб ўтай. Қаҳҳор ака — биология фанлари доктори, Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори, юртимиздаги доривор гиёҳлардан турли-туман малҳамлар, дамламалар тайёрлаб, донг таратган олим. Бир пайтлар элга манзур бўлган "Самарқанд" бальзамини, "Райҳон", "Орзу", "Пахтакор" сингари чанқовбосди шарбатларни ҳам шу киши ихтиро қилган. Айниқса, "Ҳожиматов дамламаси" деган дармондори, неча йилдирки, сарғайма билан оғриган беморлар дардига даво бўлаяпти.

Бир куни Қаҳҳор ака билан гурунглашиб ўтириб, ҳазиллашдим:

— Ака, шунча йилдан бери борди-келди қиламизу, туғилиб ўсган қишлоғингизга бормабмиз, бола вақтингизда чангитиб юрган кўчаларингизни кўрмабмиз.

— Тўғри айтасиз, — деб тан олди Қаҳҳор ака, — анча бўлди, ўзим ҳам боролмадим қишлоққа. Жиянларни кўриб, ота-онамизнинг ётган ерларини зиёрат қилиш керак. Кейинги ҳафта йўлга чиқайлик.

Шундай қилиб, Жиззах қайдасан, деб равона бўлдик. Қаҳҳор аканинг қишлоғини гоҳ Гандумчош, гоҳо Гандумтош дейишади. Ҳар иккаласи Хирмонтепа деган маънони англатар экан. Қишлоқ Жиззах шаҳрининг қунботарида, гўзал Фориш йўлидаги сўлим водийда ястаниб ётибди. Рўпарада қадим Самантоғ. Гандумтош обод, туташ боғларга кўмилган осуда бир маскан экан. Кенг, тоза кўчаларнинг икки ёнидаги ариқлардан шарқираб сувлар оқиб турибди. Кеч куз эмасми, Самантоғдан салқин шабада эсади, чор тарафдан анвойи гуллар иси келади. Гандумтошни бемалол гулқишлоқ дейиш мумкин. Қайси ҳовлига кирсангиз, тўп-тўп гулзорга дуч келасиз. Карнайгуллардан атиргул, гулхайри, гулсафсар, чиннигулгача бор.

Биз Қаҳҳор аканинг кенжатой жияни Ҳасанбойникига бориб қўндик. Ўзбекнинг одати бор бўлсин-да! Бир пиёла чой ичиб-ичмасимиздан "Ассаломуалайкум! Хуш кўрдек!" дея эшикдан бирин-сирин қўшнилар кириб келишди. Ҳаммадан бурун Қаҳҳор аканинг эски дўсти ва синфдоши Ғанижон ака Алижонов етиб келган эди. Сўзамол, қувноқ, полвонсифат бу киши гапни дарров ўтмишга бурди:

— Қаҳҳор билан еттинчи синфларгача бирга ўқидик, кейин у, мен шаҳарда ўқийман, деб Жиззахга кетди.

— Жиззах унчалик яқин эмас, шекилли?

— Тиккалаб юрганда ҳам камида беш чақирим келади. Қишнинг совуғида, кўкламнинг қор-ёмғирида эринмай қатнайди-я шу бола.

Гапни Қаҳҳор ака илиб кетди:

— Қиш кунлари азонлаб қоронғида йўлга тушаман. Бугунгидай асфальт йўл қайда, тошйўл ҳам йўқ. Кичкина лампамойлик фонарим бор. Шуни ёқиб олиб кетавераман. Бирор соатдан кўпроқ юриб, Навоий номидаги мактабимга кириб бораман. Ҳей бола, Гандумтошда ўқиймермайсанми, шунча азоб керакми сенга, дейдиган одам йўқ.

Қаҳҳор ака Жиззахдаги ўрта мактабни тугатиб, Самарқандга отланади. У бола пайтидан турли хил гуллар, ўсимликлар билан қизиқарди. Наботот олами уни гўё имлаб ўзига чорлар, менинг сирларим — сенинг шавкатли лажагинг дегандек бўларди.

Ёш илм толиби Самарқандга бориб, биология факультетига ўқишга кирди. Ўша пайтларни эслаб, жиззахлик кекса педагог, Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров дейди:

— Қаҳҳор акани ўйласам, талабалик йилларим эсга тушаверади. Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари. Самарқанд давлат университетида ўқиймиз. У киши бизлардан бирикки босқич юқорида ўқир эдилар. Қаҳҳор ака билан бир ердан бўлганимиз учун тез-тез кўришиб турамиз. Мен учун кучини, вақтини, ғайратини аямас эди.

— Қаҳҳор аканинг илмий кашфиётлари ҳақида нима дейсиз? — деб сўрадик Марат акадан. Бирдан у кишининг чиройи очилди.

— Иссиқ жон, деганларидек, кейинги пайтда қанд касалига йўлиқиб қолдим. Кўп даволандим. Касаллик бир чекиниб, тағин хуруж қиларди. Охири Қаҳҳор аканинг лабораториясида тайёрланган "Қаҳҳорин" деган дамламани истеъмол қила бошладим. Аҳволим яхшиланди. Қон таркибини текшириб, врачлар ҳам қаноат ҳосил қилдилар. Мен у кишининг бошқа малҳам дориларини ҳам ичиб турибман. Қаҳҳор аканинг кашфиётлари туфайли минг-минглаб одамларнинг тансиҳатлиги яхшиланиб бораётганига шубҳа қилмайман.

Қишлоқ аҳлининг сухбати — роҳати жон-да! Меҳнаткаш, тўпори, дили тоза одамларнинг гурунгидан кейин кўнглингиз ёришиб, дунёга ўзгача кўз билан қарай бошлайсиз. Мезбонларнинг сўзларидаги бугунги кунга шукроналик, эртанги кундан умидворлик сизга таскин беради.

— Шукр, қора қозон қайнаб турибди, — дейди Ғанижон ака, — эл-юрт тинч, рўзғор осойишта, набиралар ўқишда, борига қаноат қилиб, яшаб юрибмиз. Бўлар-бўлмасга оҳ-воҳ деб, ҳасрат қилавериш йигит кишига ярашмайди. Меҳнатдан бўйин товламайдиган одам ҳеч қачон хорлик-зорлик кўрмайди.

Ғанижон ака қирқ йилдан зиёдроқ турли автохўжаликларда ишлайди, ўзи Республикада хизмат кўрсатган транспорт ходими, ҳамон хайрли иш тепасида ҳозиру нозир экан.

Тонг саҳарлаб мактабдан элчи келди. Муаллимлар билан ўқувчилар донгдор ҳамқишлоқларини интизор бўлиб кутишаётган эмиш. Бу учрашувни Тошкентдан кўнглимизга тугиб чиққандик, дарҳол йўлга отландик.

Қаҳҳор акани қучоқ-қучоқ гуллар, гулдурос қарсаклар билан қаршиладилар. Табиийки, Қаҳҳор ака олтмиш йил бурун ўқиган ўша синфлар энди йўқ, мактаб янгиланган. Бироқ ўша қадрдон ҳовли, ўша боғ, ўша шарқираган ариқлар сақланиб қолган. Энг муҳими, беозор, қувноқ, билимга ташна болакайларнинг кўзларидаги шодлик, ҳавас, ғурур кишини беихтиёр ҳаяжонга солади. Қаҳҳор ака бағрига бир тўп ўғил-қизларни босиб, ўзига илк бора ҳарф ўргатган қутлуғ масканга қайта-қайта таъзим бажо келтирди. Бу — Қаҳҳор Ҳожиматов деган забардаст олимнинг устозларга ғойибона ташаккури эди гўё...

Мактабдан чиқиб, Самантоққа қараб кетдик.

— Ана энди, сиз айтмоқчи, ялангоёқ тупроқ кезган кўчаларимизга борамиз, — деди Қаҳҳор ака жилмайиб.

Самантоғ деганлари қишлоқ чеккасидаги баланд-баланд оқўштепалик экан. Куз бўлса-да, ўт-ўланлар сарғаймаган, ҳамон барқ уриб, яшнаб турибди.

— Мана шу тоғ этагида, ҳўв анави ерда ўйимиз бўларди, — деб Жиззах-Фориш йўлини кўрсатди Қаҳҳор ака, — Самантоғда оҳак кони топилгач, одамларни кўчиришди. Биз ҳам пастга тушдик, кейин қишлоқ ўртасига кўчиб бордик. Отам раҳматли аравакашлик қиларди, жиззахлик деҳқонларнинг пахтасини заводларга таширди. Мен анови тоғдан ёзда молга хашак йиғардим, кузда ўтин таширдик. Эсимда, отам бир куни менга, катта йигит бўлиб қолдинг, деб велосипед олиб берган эди. Самантоғдан пастга қараб учганим-учган эди...

Қаҳҳор ака енгил энтикди. Сўнг тоғдаги илонизи каби чўзилиб кетган эгри-бугри сўқмоқларга ўйчан тикилиб қолди. Ана, бир тўп бола сўқмоқларга тармашиб, Самантоғ тепасига чиқиб бораяпти. Улар келгусида Гандумтошдан чиқадиган янги Қаҳҳор Ҳожиматовлар бўлса, не ажаб?

...Икки кундан кейин Тошкентга қайтдик. Бизни газетада босилган севинчли хабар кутиб олди: Қаҳҳор Ҳожиматов яратган "Мўъжиза", "Яхши кайфият", "Ошқозон чойи", "Қаҳҳорин" сингари малҳамлар япон табибларини ҳам қизиқтириб қолибди. Улар ўзаро шартнома тузиш учун Қаҳҳор акани излаб юрган эмиш.

Яхшиники мингга татир, деб шунга айтсалар керак-да.



Беруний ҳикматлари

- Донишманд ва олимлар ҳулқларидан ўрнак олиш яхши ҳулқни уйғотади, ёмонини йўқ қилади.
- **Одамлар ўрганган, одатланган ва кўпчиликка маъқул бўлган нарсага кўр-кўрона қаршилик кўрсатма.**
- Кичик нарсага эътиборсиз қарама, унинг фойдали ўрни бор, катта ишнинг керакли жойи бор.
- **Яхши ҳулқ яхшилик аломатидир.**
- Асоси бўлмаган фандан воз кечса ҳам бўлади.
- **Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтиросларга, ғам-ғусса бўлмайди.**
- Кўз билан кўрган эшитгандан афзалдир.
- **Билим — ўқиш ва такрорлаш меваси.**
- Эҳсон қилган кишининг миннати эҳсонни йўққа чиқаради.

Ҳикоят

Уллибибининг чистони

Хоразмда Уллибиби деган бир қиз бор эди. У оддий телпакчи косибнинг қизи бўлса-да, фозил устозлар қўлида тарбия кўрган, шу боис диний ва дунёвий илмларда комилликка эришган эди.

Табиийки, бундай гўзал ва оқила қизнинг харидори бисёр бўлади. Совчилар келавериб, бечора косибнинг эшигини тўздириб юборди. Ота инон-ихтиёрни қизининг ўзига топширди:

— Мен бир чаласавод косибман, — деди у, — қизимиз ёш бўлса ҳам, оқ-қоранинг фарқига боради. Ўзларинг Уллибиби билан гаплашинглар, кўнглини топсанглар, мен қаршилик қилмайман.

Уллибиби эса, совчиларнинг олдига шарт қўйди:

— Бўлажак куёвнинг ўзи келсин. Мен у киши бирла икки оғиз суҳбат қурмоқчиман. Агар ўғлингиз бизнинг синовимиздан ўтолса, майли, розилик берай.

Бу ғайритабиий шартни эшитиб, қанчаканча совчилар эшикдан қайтиб кетди. Куёв билан юзма-юз мулоқотни истайдиган қизни келин қилиш уларнинг ақлига сиғмасди. Уллибибининг ғойибона ошиқлари эса битта-битта унинг ҳузурига келиб, синовдан ўтишга уриниб кўрдилар. Аммо бу доно қизнинг сўроқларига биронта йигит маънилик жавоб бера олмади. Ниҳоят, навбат Фазлиддинга келди. У мадрасада таҳсил олган, Беруний муаллимнинг мажлисларида иштирок этиб турадиган аҳли диллардан эди. Уллибиби ҳарир парда ортидан Фазлиддинга енгил разм солди. Йигитнинг юзида фаришта-си бордек туюлди. Шу топда Уллибибининг юраги жиз этди. Барибир у ҳиссиётини жиловлаб, йигитга эл қатори савол берди:

— Мавлоно, айтинг-чи, ул не махлуқдирки, обод ерни хуш кўрмас, харобани ватан тутар, одамизодга душман эрур. Танаси етти жониворнинг суратин эсга солур. Жанобларидин бул чистоннинг жавобини кутгаймиз.

Уллибиби "Хўш, ошуфта йигит?" дегандек сирли кулимсиради. Фазлиддиннинг юраги потирлади. У лабини тишлаб, ўйга толди. Лекин хаёлига бирон айтгулик фикр келавермади. У бу шинам хонада уззукун тургани билан обод ерни хуш кўрмайдиган, танаси етти хил жонзотни эслатадиган махлуқни тополмаслигига иқрор бўлди.

— Қизойим, — деди у Уллибибига қандай мурожаат қилишни билмай, — агар сиздан ижозат бўлса, чистонингизни уйга олиб кетсам. Бафуржа ўлтириб ечимин топсам. Не дейсиз?

— Ихтиёрингиз, — деб Уллибиби тағин жилмайиб қўйди.

Фазлиддин уч кун ётиб-туриб, обдон ўйланди. Тиббиёт китобларини варақлади. Мадрасада бирга сабоқ олган ҳужрадошларидан кўмак излади. Аммо сурати етти хил жонзотни эслатувчи махлуқнинг исмини тополмади. Унинг жисми жони ёнди. "Бу муаммони ёлғиз устоз ечади", деди Фазлиддин изтироб ичида ва бош эгиб Абу Райҳон Беруний ҳузурига борди.

Муаллим бир қарашдаёқ шогирдини қандайдир мушкулот қийнаётганини пайқади. "Сўзланг, ўғлим!" дегандек Фазлиддиннинг юзига мулойим боқди. Йигит минг бир истиҳола билан Уллибибининг чистонини айтди. Сўнг узр сўради:

— Мени маъзур тутинг, устоз, сиздан ўзга нажоткорим йўқлигига кўзим етиб, муборак остонангизни ҳатладим.

Беруний муртидан кулди:

— Чистоннинг жавоби тайёр. Вале, марҳамат қилиб, сизни синоатга қўйғон ўшал зотнинг кимлигин айтсангиз?

Фазлиддин терлаб кетди. Бир фурсат дастурхон попугини ўйнаб ўтирди. Сўнг оҳиста деди:

— Ул бир қизойим эркан, устоз...

Беруний чимирилди. У набобот ва ҳайвонот олами хусусида рисола битар экан, бу чистонни ўзи тўқиган, аммо у ҳали эл аро машҳур эмас эди. "Бир қизойим" — Ким бўлди? Анинг асли-насли қаердан?"

Шогирдини зиёда мулзам қилмаслик учун Беруний чистон жавобини айтиб қўя қолди. Фазлиддин устоз сўзларини жон қулоғи билан тинглаб, дилига муҳрлаб олди.

Бирон ҳафтадан кейин Фазлиддин тағин Уллибибининг олдида тикка бўлди. Устоз гапини айнан такрорлади:

— Қизойим, сиз сўроғон махлуқни чўкиртка (чигиртка) дерлар. Ул обод ерни хушламас, вайроналарни ватан тутар ва одамизот душмани эрур. Анинг шакли-шамойили бул турур. Боши отга менгзар, гардани ҳўкизга менгзар, қанотлари калхатнинг қанотин эслатур, оёғи теванинг оёғи кабидур ва қуйруғи илонга ўхшар, қорни эса чиён қурсоғини ёдга солур.

Фазлиддин нафас ростлади ва умидвор бўлиб, юпқа парда ортида мийиғида жилмайиб ўтирган Уллибибига қаради.

— Бале, офарин! — деди қиз, — жавобингиз бизга маъқул. Хўш, эса, иймонни ўртага қўйиб айтинг-чи, ўғлон, чистонни ўз ақлингиз бирла ечдингизми ва ё бирон зукко зотнинг марҳаматига муҳтож бўлдингизми?

Фазлиддин индамади, ер чизиб ўтираверди. Уллибиби шарт қўйди:

— Бизнинг розилиғимиз сизнинг рост ёки ёлғон сўзлашингизга боғлиқ.

— Устознинг ҳузурларига борғон эрдим, — деди Фазлиддин ердан бош кўтармай.

— Андоқ эрса, бировнинг ақли бирла муродина етмоқ истаган кимсани нечун ўзимга жуфти ҳалол қилғаймен? Инсон умри синовлардан, чистонлардан иборатдир. Бас, бошингизга тушмиш савдони кўтариб тобакай устоз ҳузурига боргайсиз? Оллоҳ-Таоло сизга ҳам фаросат, заковат ато этмаганми? Маъзур тутгайсиз, ўғлон.

Фазлиддиннинг ортидан эшик аста ёпилди.

GURUNG

Абдурахим МАХСУМОВ.

Митти ҳажвия

ГАПНИНГ НИШАБИ

Ҳайдар мўйловнинг ишламаган жойи қолмаган. Хотини эса мўйловнинг қаерда ишлаётганини сўраб ўтирмайди. Гапсўзию муомаласидан билади-кўяди.

— Азизим, — деб келарди бир вақтлар мўйлов, — сизнинг қаддингиз кўзага, овозингиз пиёланинг жарангдор мусиқасига, кулишингиз биринчи нав косага ўхшайди.

Хотингина майингина куларди. Билардики, эри чинни заводда ишлаяпти.

Яна бир куни Ҳайдар мўйлов гапга бошқача тўн кийдирарди.

— Хотинжон, сизнинг секин-секин юришингизни юк машинасига, қулиб пешвоз чиқишингизни "Мерседес"га ўхшатаман. Оҳ-оҳ, баъзан "Нексия"-дек лип-лип қилиб енгил учасизки, қани энди, доим шундай бўлсанг?!

Демак, Ҳайдар мўйловнинг "машина саройи"га ишга киргани ёлғон эмас экан.

— Ҳи-ҳи, — деб келди яна бир куни, тилинг бирам пўлат қайчига ўхшайдики, ҳар гапирганда қийиб-қийиб гапирасан. Айрим хотинларга ўхшаб умрнинг эгови бўлма, дейман... Ҳай-ҳай, ҳар гапинг худди қисқичга ўхшайдики, узиб-узиб гапиришингни...

Ҳайдар мўйловнинг хўжалик дўконида ишлаётганини рўкач қилиб, ҳар куни хотини билан шундай "арралашаётганини" кўрган киши ажабланмаса ҳам бўлади.

Мўйловнинг одати кўп қизиқ. Кеча, денг болаларига қараб бақираяпти.

— Санлар чўлтоқ супургисанлар, чўлтоқ супурги!

Шунда хотини ҳайрат билан тикилиб ундан сўради:

— Дадаси, наҳотки фаррош бўлиб ишлаётган бўлсангиз?!

ХАНДАЛАР

Аёл дўхтирга учради:

— Дўхтиржон, бошим оғрияпти, ёрдам берсангиз. Ўзимни қаерга қўйишни билолмаяпман.

— Бунинг йўли осон — турмушга чиқинг, — маслаҳат берди дўхтир.

Маълум муддат ўтгандан сўнг дўхтир аёлни кўчада учратиб қолди ва сўради:

— Қалай, бошингиз оғримаяптими?

— Йўқ, оғримаяпти. Бошим тузалиб кетди, энди эримнинг боши оғригани оғриган.

Дўхтир қабулида.

— Мен сизга эрингизнинг асаби доимо жойида бўлиши учун дори ёзиб бераман.

— Уни қачон ичиришим керак?!

— Эрингизмас, сиз ичиб туришингиз керак.

— Ўқитувчи сенга иншо ёзиб берганимни сезмадими? — дея сўради ота ўғлидан.

— Сезди, шекилли. Нега десангиз, агар ўзинг ёзганингда бунчалик кўп хато қилмасдинг, — деди.

— Буважон, нима учун қадимги греклар аёллар ғолиблик тимсоли, деб мадҳ этишган?

— Э, неварагинам-ей, катта бўлиб уйланганингда билиб оласан.



— Охирги хатимни қачон олгандинг, дўстим?

— Беш юз сўм қарз сўраб ёзган хатингнимми?

— Ҳа.

— Йўқ, олмадим.

Саҳифани Саъдулла СИЁЕВ тайёрлади.

Ён дафтардан

Бир ота ўғлига деди:

— Билиб кўй, болам. Хотин кишининг топгани бамисли остонага осилган тош. Кирсанг ҳам, чиқсанг ҳам пешонангга тегади.

— Бу одам аломат. Ҳам ўт ёқади, ҳам сув сепади.

· Ҳайдаганинг тўрт қўзию, Ҳуштагинг тоғ-тошни ёради.

· Бир кампирнинг гапи:

— Набирамни чумчуққа чўқитмадим, отлиққа тептирмадим, тишгинамнинг кавагида асраб катта қилдим.

· Онанинг ҳасрати:

— Одам қизининг уйида бемалол инқиллай олмайди ҳам.

· У кишининг боласи кўп, деворига ҳам суяниб бўлмайди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 123456